

4-1-2018

STATE PARTICIPATION AND ITS ANALYSIS IN JOINT STOCK COMPANIES IN UZBEKISTAN

J. Qurbonov

Tashkent Financial institute

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Qurbonov, J. (2018) "STATE PARTICIPATION AND ITS ANALYSIS IN JOINT STOCK COMPANIES IN UZBEKISTAN," *International Finance and Accounting*: Vol. 2018 : Iss. 2 , Article 56.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2018/iss2/56>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

Қурбонов Ж. Қ. – ТДИУ ҳузуридаги
“Ўзбекистон иқтисодиётини
ривожлантиришнинг
илмий асослари ва муаммолари”
илмий-тадқиқотлар маркази
кичик илмий ходими

САНОАТДА КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ РАЎБАТЛАНТИРИШ ЙЎНАЛИШЛАРИ

Аннотация. Мақолада кичик бизнес секторининг жорий ривожланиш даражаси бўйича тадқиқот натижалари ва хориж тажрибаси асосида уларни янада рағбатлантириш йўналишлари тақдим этилган.

Калит сўзлар: саноат, кичик бизнес, рақобат, аҳоли бандлиги, экспорт.

Аннотация. В статье представлены результаты исследования текущего уровня развития сектора малого бизнеса и направления дальнейшего стимулирования на основе зарубежного опыта.

Ключевые слова: промышленность, малый бизнес, конкуренция, занятость населения, экспорт.

Annotation. The article presents the results of a study of the current level of development of the small business sector and the direction of further stimulation based on foreign experience.

Keywords: Industry, small business, competition, employment, export.

Мустақиллигимизнинг дастлабки йилларидан бошлаб мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини вужудга келтириш ва шу асосда республикамиз фуқароларининг муносиб ҳаёт кечиришларини таъминлаш мақсадида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг давлат томонидан доимий қўллаб-қувватланаётганлиги сабабли, унинг изчил равишда ривожланиб бориши таъминланмоқда.

Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича 2017-2021 йилларга мўлжалланган

Ҳаракатлар стратегияси учинчи бандининг учинчи қисми “Хусусий мулк ва тадбиркорликни ривожлантириш” га қаратилган. Унга кўра, республикамизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги муаммолар ва тўсиқларни бартараф этиш, уларнинг фаолиятини иқтисодий рағбатлантириш механизмларини такомиллаштириш кўзда тутилган [1].

Ушбу соҳада олиб борилган ислохотлар натижаси сифатида айтиш мумкинки, 2000 йилда мамлакатимиз ЯИМнинг 31 фоизи кичик бизнес субъектлари томонидан ишлаб чиқарилган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 56,7 фоизга етган. Ҳозирги вақтда ушбу соҳада жами саноат маҳсулотларининг учдан бир қисми ишлаб чиқарилмоқда. Унинг умумий экспортдаги улуши 26 фоизни ташкил қилмоқда. Иш билан банд жами аҳолининг 77 фоиздан ортиғи мазкур тармоқда меҳнат қилмоқда [2].

Мамлакатнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида кичик бизнеснинг роли юқори бўлиб, у қуйидагилар билан тавсифланади:

- кичик бизнес субъектлари жамиятнинг ижтимоий-сиёсий таянчи бўлган ўрта синфнинг шаклланиши ва унинг тобора мустақамланиб боришида муҳим аҳамиятга эга;

- янги иш жойларини ташкил этади ва аҳолининг кенг қатламини иш билан таъминлайди;

- бозор иқтисодиёти учун зарур рақобат муҳитини яратади, ҳамда ўзгариб турувчи бозор талабига тез мослаша олиш қобилиятига эга эканлиги билан ажралиб туради;

- бозор иқтисодиёти шароитида зарур тезкорликни таъминлаб, ишлаб чиқаришдаги ихтисослашув ва тармоқлашган кооперацияни яратади;

- энг замонавий ускуналар ва технологиялардан фойдаланиб, сарфланган сармоянинг ўрнини тез қоплай олади;

- бошқаришнинг оддийлиги, мураккаб маъмурий аппаратнинг мавжуд эмаслиги, қисқа муддатда қурилиш ва лойиҳа қувватларини ўзлаштиради.

Бугунги кунда мамлакатимизда ишчи кучининг тезлик билан ўсиб бораётганини инобатга олсак, ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг долзарб вазифаси – янги, самарали ва барқарор иш ўринларини яратишдир. Бунинг учун эса, асосини хусусий сектор ташкил этувчи бозор иқтисодиётига ўтишни жадаллаштириш зарур. Хусусий тадбиркорлик ва хусусий мулкни ривожлантириш йўлидаги барча муаммо ва тўсиқлар бартараф этилгандагина, бозор иқтисодиётига тўлиқ ўтиш ҳақида гапириш мумкин. Фақат шундагина, ушбу жараённи тугалланган деб айтиш мумкин.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлида жуда кўп ишлар қилинган бўлса ҳам, ҳозирда у иқтисодиётимизнинг заиф нуқтаси эканини очиқ тан олишимиз керак [3]. Тадбиркорлик муҳитини янада яхшилаш, хусусий мулк ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш йўлидаги тўсиқ ва чекловларни бартараф этиш, корхоналарнинг устав капиталидаги давлат улуши ва активларини хусусий инвесторларга, биринчи навбатда, хорижий инвесторларга сотиш ҳисобидан республика иқтисодиётида хусусий мулкнинг аҳамияти ва ролини тубдан ошириш ва шу асосда ишлаб чиқаришни

модернизациялаш ҳамда технологик янгилашни таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош маҳсулотлар чиқаришни ташкиллаштириш мақсадида фақатгина 2015 йилнинг ўзида қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4725-сонли Фармони ва ПҚ-2340-сон Қарори ушбу соҳадаги ислохотларнинг мантиқий давоми бўлди [4].

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сонли Фармониға мувофиқ, 2014 йилнинг 1 июлидан бошлаб, қуйидагилар кичик тадбиркорлик (бизнес) субъектлари тоифасига киритилади [5]:

якка тадбиркорлар (2015 йилнинг 1 июлидан бошлаб, якка тартибдаги тадбиркор Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда ходимларни ёллашга ҳақли);

ишлаб чиқариш соҳасида йилига ўрта ҳисобда йигирма нафардан, хизмат кўрсатиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — ўн нафардан, улгуржи, чакана савдо ва умумий овқатланиш соҳасида — беш нафардан ошмайдиган ишчи ходимларга эга бўлган микрофирмалар;

қуйидаги соҳаларда йилига ўрта ҳисобда иш билан банд бўлган:

енгил, озиқ-овқат ҳамда қурилиш материаллари саноатида — икки юз нафардан;

металлга ишлов бериш ва асбобсозлик, ёғочсозлик ҳамда мебель саноатида — юз нафардан;

машинасозлик, металлургия, ёқилғи-энергетика ва кимё саноати, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштириш ва қайта ишлаш, қурилиш ва бошқа ишлаб чиқариш — саноат соҳасида — эллик нафардан;

илм-фан, илмий хизмат кўрсатиш, транспорт, алоқа, хизмат кўрсатиш соҳалари (суғурта компанияларидан ташқари), савдо ва умумий овқатланиш ҳамда бошқа ноишлаб чиқариш соҳаларида — йигирма беш нафардан ошмайдиган ходимга эга бўлган кичик корхоналар.

Жаҳон иқтисодий амалиётида саноат корхоналарини таснифлаш бўйича муайян ёндашув шаклланган, унга кўра барча корхоналар уларда банд бўлган ходимларнинг ўртача йиллик сони ва уларнинг йиллик айланмаси ҳажми бўйича иккита катта гуруҳга бўлинади. Булар йирик корхоналар ва қолган барчаси, SME (Small and Medium Enterprises), яъни кичик ва ўрта корхоналардир.

Умуман айтганда кичик ва ўрта бизнес ўртасидаги чегара жуда ҳам шартли. Масалан, дунёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида йилига ўрта ҳисобда ўнтадан элликтагача бўлган ходимга эга корхоналарни кичиклар тоифасига киритилади. Ўрта корхоналар бўйича эса бу кўрсаткич турлича (1-жадвал).

Турли мамлакатларда ходимлар сони бўйича корхоналарнинг бўлиниши [6]

	Микро	Кичик	Ўрта	SME	Йирик
Европа иттифоқи мамлакатлари, Исландия, Норвегия ва Швейцария	1-9	10-49	50-249	1-249	250+
Австралия	0-9	10-49	50-199	0-199	200+
Канада	0-9	10-49	50-499	0-499	500+
Япония	4-9	10-49	50-249	1-249	250+
Корея	5-9	10-49	50-199	5-199	200+
Мексика	0-10	11-50	51-250	1-250	251+
Янги Зеландия	1-9	10-49	50-99	0-99	100+
Туркия	1-19	20-49	50-249	1-249	250+
АҚШ	1-9	10-99	100-499	1-499	500+

Европа иттифоқидаги 27 мамлакатнинг 2015 йил бўйича олинган маълумотлари ҳам кичик ва ўрта корхоналар ижтимоий-иқтисодий ривожланишда алоҳида аҳамиятга эга эканлигини кўрсатиб турибди (2-жадвал).

Барча корхоналарнинг 99,8 фоизи, иш билан бандларнинг 67,4 фоизи ва ялпи қўшилган қийматнинг 58,1 фоизи кичик ва ўрта корхоналар ҳиссасига тўғри келади (2-жадвал).

Европа Иттифоқи бўйича корхоналар сони, иш билан банд ходимлар сони ва ялпи қўшилган қиймат (ЯҚҚ) кўрсаткичлари, 2015 [7]

	Микро	Кичик	Ўрта	SME	Йирик	Жами
Корхоналар сони	19,143,521	1,357,533	226,573	20,727,627	43,654	20,771,281
%	92,2	6,5	1,1	99,8	0,2	100
Ходимлар сони	38,395,819	26,771,287	22,310,205	87,477,311	42,318,854	129,796,165
%	28,5	20,6	17,1	67,4	32,6	100
ЯҚҚ (млн евро)	1307360,7	1143935,7	1136243,5	3587540	2591731,5	6179271,4
%	21,2	18,5	18,4	58,1	41,9	100

Изоҳ: ЯҚҚ = ЯИМ + субсидиялар - солиқлар.

Ривожланган мамлакатларда кичик ва ўрта бизнеснинг ЯИМдаги улуши 43 дан 57 фоизгача бўлган ораликда тебраниб туради. Хусусан, ушбу кўрсаткич АҚШда 52 фоизни ташкил этаётган бир пайтда, Россияда бу миқдор 20 фоизга ҳам этмайди [8].

Қолаверса, кичик ва ўрта бизнес Осиё мамлакатлари экспортини таъминлашда катта рол ўйнайди. Масалан, ушбу соҳанинг 1998-2008 йиллардаги Ҳиндистон экспорти умумий ҳажмидаги ўртача йиллик улуши 38-40%, Хитойда эса бу кўрсаткич 60% ташкил қилган [9].

Саноат бу энг аввало улкан асосий фондлар, бино-иншоотлар, асбоб-ускуналардир. Ишлаб чиқариш мақсадга мувофиқ бўлиши учун ушбу фондлар

ўзини оқлаши ва корхона фаолиятининг фойдалилик даражасини ошириб бориши лозим. Кичик корхоналарнинг бозордаги улуши кичик эканлиги ва иқтисодиётдаги кўлам самараси уларнинг фаолиятини мураккаблаштиради. Ишлаб чиқаришнинг кичик ҳажмдалиги сабабли саноатдаги кичик корхоналар аутсорсинг пудрат бўлинмаси сифатида фаолият юритишга мажбурдир.

Ривожланган мамлакатлар тажрибаси шуни кўрсатадики, саноатдаги кичик бизнес ўз-ўзича мустақил мавжуд бўла олмайди. Улар кўп ҳолларда йирик бизнес билан ўзаро ҳамкорликда ишлашади ва воситачи ролини бажаришади. Шунинг учун ҳам, технологик мураккаб маҳсулотларни ишлаб чиқарувчи йирик бизнес асосий маржани (фойдани) олувчи ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида маълум бўлдики, йирик саноат корхоналари оқсай бошлаган бир пайтда кичиклари фаолиятида ҳам худди шундай сустрлашиш қайд этилган. Бундай ҳолларда давлат ҳамиша катта активларга эга бўлмаган кичик корхоналарни эмас, ижтимоий-иқтисодий оқибатлари юқори бўлган йирик корхоналарни сақлаб қолишга уринади.

Кичик саноат корхоналар рақобатдошлигининг асосий омили ва йирик ишлаб чиқарувчилар билан ҳамкорлик қилиши учун асос – албатта маҳсулот сифати ва шартнома баҳоси, аммо улардан ҳам муҳимроғи бу – талаб қилинган хусусиятдаги маҳсулотни етказиб бериш узлуксизлиги, уларни олдиндан шартномада кўрсатилган қатъий белгиланган ҳажмда ва аниқ санада бўлишидир. Кичик саноат бизнесида рақобатга асосланган соф шаклдаги бозор тўғрисида турлича қарашлар мавжуд. Жумладан, баъзи иқтисодчиларнинг фикрича, чакана савдо ёки хизматлар соҳасида рақобат даражасини кўрсатиб бериш осонроқ, аммо қайта ишловчи саноатга нисбатан бундай дейиш мушкул масала. Улар кўпинча бу ҳолатни – буюртмани кўлга киритиш учун ўзаро курашадиган бир турдаги маҳсулотларни чиқарадиган бир неча ўнлаб корхоналар реал ҳаётда учрамаслиги билан асослашади [10].

Шафқатсиз рақобат кураши бўлмаган бундай ҳолатда, кичик корхоналар учун тараққиётни олға юритувчи куч – буюртмачининг талаби бўлади. Йирик корхона янги асбоб-ускуна ёки маҳсулотга ўтиши билан, аутсорсер ҳам буюртмани кўлга киритиш учун дастгоҳлар паркени янгилашга мажбур бўлади.

Агар бутловчи қисмлар бўйича буюртма ҳажми бир неча бараварга кўпаядиган бўлса, янги жиҳоз сотиб олинади ва ишлаб чиқариш дастурига ўзгартириш киритилади. Ҳар қандай саноат корхонаси кўпи билан ўз ишлаб чиқариш қувватининг 30-40 фоиздан фойдаланади. Дунё бўйича саноат ускунасидан фойдаланишнинг ўртача коэффициенти 0,3 ташкил этади ва ушбу ресурс тунги сменалар, модернизация ҳисобидан уч-тўрт баробар оширилиши мумкин [10].

Бундан ташқари, агар кичик корхона ноёб асбоб-ускуна харид қиладиган ва махсус буюртмани бажариш ҳажмини оширадиган бўлса, у ҳолда маҳсулот таннархини янада пасайтириб, бирданига бир нечта саноат ишлаб чиқарувчиларга хизмат кўрсатиши мумкин. Қолаверса, бу йирик корхона учун ҳам фойдали бўлиб, айти бир маҳсулотни ишлаб чиқариш бўйича ўзининг технологик тармоғини модернизациялашга ва ундан бўшаган маблағларни бошқа вазифаларни бажаришга йўналтириш имконини беради.

Қисқа ва ўрта муддатли истиқболда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг асосий йўналишлари қўйидагилар бўлиши мақсадга мувофиқдир:

1. Кичик бизнес субъектларини томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларга талабни қўллаб-қувватлаш ва янги бозорларни ўзлаштириш. Кичик бизнес субъектлари ишлаб чиқарган маҳсулотларини сотиш имкониятларни излаб топишда кўп ҳолларда муаммога дуч келишади. Уларнинг маҳсулотларига талабни рағбатлантириш учун қўйидаги вазифалар ҳал этилиши зарур:

- кичик корхоналарни таъминотчилар занжирига киришини рағбатлантириш;
- кичик корхоналарнинг давлат харидлари тизимидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш;
- маҳсулотларни ўтказиш ва логистика инфратузилмасини яратиш;
- кичик корхоналарнинг экспорт фаолиятини қўллаб-қувватлаш тизимини такомиллаштириш.

2. Кичик бизнесни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш. Рақобатни ривожлантириш учун давлат мулки объектларини хусусийлаштириш тартибини такомиллаштириш, уларни сотиш механизмлари ва тартиботлари самарадорлигини ошириш, шунингдек табиий монополия субъектлари фаолияти шаффофлигини оширишга йўналтирилган амалий чора тадбирлар алоҳида аҳамиятга эга.

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида давлат институтини ташкил қилиш.
- кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш бўйича дастури самарадорлигини ошириш.
- кичик бизнес субъектларига нисбатан назорат-кузатув фаолияти сифатини ошириш.
- кичик бизнес субъектларига нисбатан монополияга қарши меъёрларни асоссиз қўллаш амалиётини тугатиш.
- тадбиркорлик фаолиятини олиб бориш учун мулкрий асосларни янада мустаҳкамлаш.

- кичик бизнес субъектларининг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириш.

- муҳандислик-техник таъминот тармоқларига уланиш соҳасида маъмурий тўсиқларни бартараф этиш.

3. Кичик бизнес субъектларига нисбатан солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг қўшимча йўналишларини аниқлаш.

4. Кичик бизнес субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизми самарадорлигини ошириш.

5. Кадрлар билан таъминлаш ва меҳнат муносабатларини тартибга солиш тизимини такомиллаштириш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. Халқ сўзи, 08.02.2017 й. №28 (6722).

2. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи, 2016 йил 16 январь.

3. Азимов Р. Частный бизнес – самое слабое место в экономике Узбекистана.

http://www.ut.uz/ru/ekonomika/rustam_azimov_chastniy_biznes_samoe_slaboe_mest_o_v_ekonomike_uzbekistan/

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишни таъминлаш, уларни жадал ривожлантириш йўлидаги тўсиқларни бартараф этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 15 майдаги ПФ-4725-сон Фармони; Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Иқтисодиётда хусусий мулкнинг улуши ва аҳамиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2015 йил 28 апрелдаги ПҚ-2340-сон Қарори.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантиришни янада рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 1998 йил 9 апрелдаги ПФ-1987-сон Фармони.

6. OECD. (2010).SMEs, Entrepreneurship, and Innovation.Paris: OECD.

7. Wymenga, P., Spanikova, V., Barker, A., Konings, J. and Canton, E. (2012), EU SMEs in 2012: At the Crossroads. Annual Report on Small and Medium-sized Enterprises in the EU, 2011/12, Report for the European Commission.

8. Нурмухаметов А.В. Теория и практика государственного регулирования и поддержки малого и среднего предпринимательства. «Актуальные проблемы экономики и права». 2014. №3. 83 -84 стр.

9. Tambunan, T. (2009), ‘Facilitating Small and Medium Enterprises in International Trade (Export): The Case of Indonesia’, paper presented at Asia-Pacific Trade Economists’ Conference: Trade-Led Growth in Times of Crisis, United Nations, Indonesia. P. 7.

10. Алексеев А. Малый бизнес не существует сам по себе. «Промышленно-строительное обозрение». Сентябрь 2014. Стр. 159-160.